


I. ҚИШЛОҚ, ҰРМОН ВА БАЛИҚ ХҲЖАЛИГИ

2017 йилнинг январь-сентябрда ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 2493,1 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 104,6 фоизни, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва бу соҳаларда кўрсатилган хизматлар ҳажми 2483,1 млрд. сўмни (104,5 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 3,5 млрд. сўмни (91,1 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 6,5 млрд. сўмни (97,5 фоиз) ташкил қилди.

Деҳқончилик. Дастлабки маълумотларга кўра, жорий йилда барча тоифадаги хўжаликлар 221891 гектар майдонда деҳқончилик билан шуғулланиб, шундан жами дон 96314 гектарни, шу жумладан бошоқли дон 87867 гектарни, шундан буғдой 87781 гектарни, маккажўхори дон учун 2929 гектарни, шоли 2409 гектарни, дуккакли дон экинлари 3109 гектарни, техник экинлар жами 81897 гектарни, шу жумладан ғўза майдони 78900 гектар, мойли экинлар 2884 гектар, картошка 7427 гектарни, сабзавотлар жами 15495 гектарни, полиз 2307 гектарни, сабзавот экини уруғзорлари 18 гектарни, озуқа экинлари 18451 гектарни, бундан ташқари мевалар ва резаворлар майдони 29315 гектарни ҳамда токзорлар 11524 гектарни ташкил этди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми

(шаҳар ва туманлар кесимида тақсимланиши)




Ҳосил йиғими. 2017 йилнинг январь-сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 458,0 минг тонна бошоқли дон экинлари ишлаб чиқарилиб, шундан 416,6 минг тоннаси буғдой ташкил қилди.

Бундан ташқари барча тоифадаги хўжаликларда 191,2 минг тонна картошка етиштирилди (2016 йилга нисбатан 106,6 фоизга кўп), 506,6 минг тонна сабзавот (109,2 фоизга кўп) йиғиб олинди, 56,8 минг тонна полиз экинлари (107,2 фоизга кўп), 167,5 минг тонна мева ва резаворлар (107,7 фоизга кўп) ва 88,7 минг тонна узум (106,9 фоизга кўп) етиштирилди.

Чорвачилик. 2017 йилнинг 1 октябрь ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 108,3 фоизга (жами 651,4 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 100,7 фоизга (213,2 минг бош), қўй ва эчкилар 101,7 фоизга (711,6 минг бош), отлар 100,3 фоизга (6661 бош), паррандалар 111,0 фоизга (4,0 млн. бошга) кўпайди.

2017 йил январь-сентябрь ойларида чорвачилик ва паррандачиликни ривожланиши

(2016 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан)



Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сүт, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 99,3 фоизни, сүт ишлаб чиқаришда 99,7 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 75,4 фоизни ташкил этди.

2017 йил 1 октябрь ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони

	минг бош	Ўсиш суръати, %
Йирик шохли корамол	651,4	108,3
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	23,4	100,3
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	626,4	108,7
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1,6	104,3
улардан сигирлар	213,2	100,7
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	8,4	101,4
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	204,1	100,7
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	0,7	104,6
Қўй ва эчкилар	711,6	101,7
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	26,6	103,7
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	682,7	101,6
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	2,3	109,8
Отлар	6,6	100,3
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	0,4	103,0
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	6,2	100,1
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	0,03	107,1
Паррандалар	4032,0	111,0
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	1566,0	126,5
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	1704,8	101,2
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	761,2	107,1


Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 96,2 фоизни, фермер хўжаликларида эса 3,6 фоизни, шу жумладан, сигирлар мос равишда 95,7 ва 3,9 фоизни, қўй ва эчкилар 95,9 ва 3,7 фоизни, отлар 93,5 ва 6,1 фоизни, паррандалар 42,3 ва 38,8 фоизни ташкил этди.

2017 йилнинг январь-сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазн ҳисобида 105,4 минг тонна гўшт (2016 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан 7,0 фоизга кўп), 501,9 минг тонна сут (7,8 фоизга кўп), 325,0 млн. дона тухум (10,5 фоизга кўп) ишлаб чиқарилди.

2017 йил январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари


	<i>миқдори</i>	<i>ўсиш суръати, %</i>
Гўшт (тирик вазнда), минг тн.	105,4	107,0
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	2,6	105,7
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	102,1	107,1
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	0,7	105,4
Сут, минг тн.	501,9	107,8
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	14,6	106,0
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	485,6	107,9
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1,7	101,1
Тухум, млн. дона	325,0	110,5
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	111,7	113,7
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	133,3	115,0
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	80,0	100,0

**2017 йил январь-сентябрь ойларида (2016 йил январь-сентябрга нисбатан)
Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби
(ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши)**



- Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Фермер хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар

Фермер хўжаликлари. 2017 йилнинг январь-сентябрь ойларида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 621,8 млрд. сўмни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 24,9 фоизни ташкил этди.







2017 йилнинг 1 октябр ҳолатига фермер хўжаликларида 23,4 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 8,4 минг бош сигир, 26,6 минг бош қўй ва эчкилар, 406 бош от, 1566,0 минг бош паррандалар мавжуд. 2016 йилнинг 1 октябр ҳолатига нисбатан йирик шохли қорамоллар сони 0,4 фоизга, шу жумладан сигирлар 1,4 фоизга, қўй эчкилар 3,7 фоизга, паррандалар сони эса 26,5 фоизга кўпайди.


**Фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги
қишлоқ хўжалик маҳсулотлари**

	<i>январь-сентябрь</i>				<i>2016 январь- сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
	<i>2016 йил</i>		<i>2017 йил</i>		
	<i>тонна</i>	<i>ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз</i>	<i>тонна</i>	<i>ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз</i>	
Бошоқли дон	346477	83,8	350452	83,9	101,1
<i>шу жумладан:</i>					
буғдой	345637	83,8	349503	83,9	101,1
Картошка	30109	16,8	31323	16,4	104,0
Сабзавот	89209	19,2	94366	18,6	105,8
Полиз	17533	33,1	18603	32,7	106,1
Мева ва резаворлар	47832	30,8	50576	30,2	105,7
Узум	27512	33,1	28826	32,5	104,8
Гўшт, <i>тирик вазнда</i>	2465	2,5	2606	2,5	107,3
Сут	13805	3,0	14629	2,9	106,0
Тухум, <i>млн. Дона</i>	98,2	33,4	111,7	34,4	113,7
Жун, <i>тонна</i>	42,8	3,0	44,0	2,9	102,8
Пилла, <i>тонна</i>	2624,2	92,8	552,9	91,9	21,1


2017 йил январь-сентябрь ойларида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари миқдори



Мевалар ва резаворлар (тонна)



Узум (тонна)



Етиштирилган дехқончилик маҳсулотларини хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлил қилинганда, дон маҳсулотларини етиштиришда жамига нисбатан улуш ҳисобида фермер хўжаликларнинг улуши 79,3 фоизни, дехқон хўжаликларининг улуши 19,8 фоизни, қишлоқ хўжалик корхоналарининг улуши 0,9 фоизни ташкил этди. 2017 йил январь-сентябрь ойларида бошоқли дон маҳсулотлари етиштирилишида миқдор жиҳатидан кўп ҳосил берган туманлардан Учқўрғон (54073тн.), Мингбулок (51007тн.), Поп (47243тн.) ҳисобига тўғри келди.

Картошка маҳсулоти етиштиришда фермер хўжаликларнинг улуши 16,4 фоизни, дехқон хўжаликларининг улуши 83,5 фоизни, қишлоқ хўжалик корхоналарининг улуши 0,1 фоизни ташкил этди. Картошка маҳсулоти етиштириш бўйича Янгиқўрғон туман (56398тн.), Чуст туман (31092тн.) лари ҳисобига ҳамда мева ва резаворлар Янгиқўрғон туман (47036тн.), Чуст туман (19196тн.)лари ҳисобига ҳамда узум етиштириш бўйича Янгиқўрғон туман (30693тн.), Тўрақўрғон туман (11736тн.), Наманган туман (10407тн.)лари ҳиссасига тўғри келди.